

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

МЕЛИОРАЦИЯДАГИ ТУБ УЗГАРИШЛАР

Президентнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3932-сон Фармони билан Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди. Унинг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири – тасдиқланган дастурларга мувофиқ магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва ҳўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукамал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда мақсадли молиялаштириш.

Жамғарма барча турдаги мажбурий тўловларни тўлашдан (ягона ижтимоий тўлов, шунингдек божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно), 2008-2012 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар эса ҚҚС тўлашдан озод этилган.

Шунингдек ихтисослаштирилган лизинг компаниялари беш йил муддатга – бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдирishга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўлашдан, шунингдек сотиб олинadиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Президентнинг 2007 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПК-718-сон қарорига мувофиқ («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) Жамғармани бошқариш департаменти ташкил этилди, Департамент тузилмаси ҳамда Жамғарма Кенгашининг таркиби тасдиқланди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Шахсий таркиби республика Президентининг қарори билан тасдиқланadиган Кенгаш Жамғарманинг олий органи ҳисобланади. Ижро этувчи орган бўлиб Жамғармани бошқариш департаменти ҳисобланади. Департаментга Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, лойиҳа-қурилиш ҳужжатлари тегишли равишда экспертизадан ўтказилмасдан амалга ошириладиган ёки Жамғарма маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда ҳар қандай ишларни тўхтатиб қўйиш; мелиоратив

объектларда амалга ошириладиган реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назорат олиб бориш; бажарилган ишлар ҳажмини назорат тартибида мунтазам асосда ўлчаш ҳуқуқи берилди.

МАХСУС АВТОМОБИЛЬ ИЙГИМДАН ОЗОД ЭТАДИ

Президентнинг 2006 йил 25 октябрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-499-сон қарорига ўзгартиш киритилди (Президентнинг 2007 йил 22 октябрдаги ПК-714-сон қарори, «Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Ўзгартиш юқорида келтирилган қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомга тааллуқли. Уларга мувофиқ сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимни тўлашдан фақатгина ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўлда бошқаришга мослаштирилган энгил автомобиль ва/ёки мотоцикляска (аввал – исталган автомобиль) сотиб оладиган барча гуруҳ ногиронлари озод этилади.

Киритилган ўзгартиш 2007 йилнинг 1 ноябридан кучга кирди.

РОССИЯ-ЎЗБЕКИСТОН: УЧТА БИТИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Президентнинг 2007 йил 31 октябрдаги ПК-719-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) қуйидаги халқаро шартномалар тасдиқланди:

– Россия Федерациясидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган мигрант ишчилар ва Ўзбекистон Республикасидаги Россия Федерацияси фуқаролари бўлган мигрант ишчиларнинг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган **Битим**;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги **Битим**;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган реадмиссия ҳақидаги **Битим**.

БОШ ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН

Аҳолига йўловчи транспортда транспорт хизматлари кўрсатишни янада такомиллаш-

тириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди. Қарор билан Департамент тўғрисидаги низом ва унинг ижро этувчи аппаратининг тузилмаси тасдиқланди. Низомга мувофиқ Департамент Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчилар ташиш бўйича фаолиятни лицензиялаш масалаларини ҳал қилиш учун ваколатли таркибий бўлини маси ҳисобланади.

Шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш учун Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлини маслари томонидан берилган лицензиялар уларнинг муддати тугагунга қадар Тошкент вилояти доирасида ишлаш учун ҳақиқийдир.

ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ МАЖБУРИИ

Президентнинг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3889-сон Фармонида мувофиқлаштириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўшма қарори билан Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритилди (АВ томонидан 2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди, «Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

2007 йил 8 ноябрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007 йил 27 октябрдан 2 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 44-сонли асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.potma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 19 октябрдаги 902-аф-сонли буйруғига асосан «AZIYA REKOM AUDIT» хусусий аудиторлик корхонасига 2004 йил 5 ноябрда берилган 00626-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 18 октябридан тугатилди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 19 октябрдаги 901-аф-сонли буйруғига асосан «UUJ AUDIT» хусусий аудиторлик фирмасига 2001 йил 19 октябрда берилган 00244-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 15 октябридан тугатилди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 10 октябрдаги 899-аф-сонли буйруғига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотларининг лицензияларининг амал қилиши 2007 йилнинг 8 октябридан тугатилди:
 - МЧЖ шаклидаги «Ishonch-audit-A» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 20 августда берилган 00158-сонли лицензия;
 - МЧЖ шаклидаги «CPA AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилотига 2005 йил 11 апрелда берилган 00659-сонли лицензия.

С.БЕКЕНОВ, молия вазири ўринбосари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 6 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	1182,82	1 Малайзия ринггити	383,82
1 Англия фунт стерлинги	2651,08	1 Польша злотийси	509,89
1 Дания кронаси	248,25	1 СДР	2011,74
1 БАА дирҳами	349,09	1 Туркия лираси	1086,06
1 АҚШ доллари	1281,77	1 Швейцария франки	1104,21
1 Миср фунти	232,82	1 ЕВРО	1849,85
1 Исландия кронаси	21,38	10 Жанубий Корея вони	14,16
1 Канада доллари	1346,82	10 Япония иенаси	111,77
1 Хитой юани	171,71	1 Россия рубли	51,87
		1 Украина гривнаси	253,82

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	7.11.2007	1	0,8487	1	1,2425	1	0,0346
Арманистон	7.11.2007	1	324,08	1	471,44	1	13,16
Беларусь	7.11.2007	1	2152,00	1	3125,56	1	87,40
Грузия	8.11.2007	1	1,6215	1	2,3716	1	0,0662
Қозғистон	8.11.2007	1	120,71	1	176,90	1	4,93
Латвия	8.11.2007	1	0,48	1	0,702804	1	0,0196
Литва	8.11.2007	1	2,3602	1	3,4528	10	9,6304
Молдова	7.11.2007	1	11,3824	1	16,555	1	0,4628
Тожикистон	8.11.2007	1	3,4468	1	5,0141	10	1,3998
Ўзбекистон	6.11.2007	1	1281,77	1	1849,85	1	51,87
Украина	7.11.2007	100	505,00	100	734,6235	10	2,0509
Эстония	7.11.2007	1	10,6494	1	15,6466	1	0,43554

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2007 йил 6 ноябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1289,00	1294,00	1850,00	1870,00
"Асака" банки	1289,00	1294,00	1850,00	1855,00
"Ўзсаноатқурилишбанки"	1288,00	1293,00	1852,00	1862,00
"Пахтабанк"	1288,00	1293,00	1858,00	1866,00
"Халқ банк"и	1289,00	1294,00	1850,00	1862,00
"Ипотека-банк"	1288,00	1293,00	1850,00	1855,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1289,00	1290,00	1866,00	1868,00
"UzKDBбанк"	1290,00	1294,00	1849,00	1876,00
"Фаллабанк"	1289,00	1294,00	1850,00	1859,00
"Трастбанк"	1288,00	1293,00	1850,00	1860,00
"Алп Жамол банк"	1289,00	1294,00	1860,00	1868,00
"Алоқабанк"	1289,00	1294,00	1851,00	1879,00
"Ў-Т банк"	1288,00	1294,00	1850,00	1870,00
"Туронбанк"	1289,00	1294,00	1850,00	1858,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1290,00	1294,00	1850,00	1870,00
"Ипак йўли" банки	1290,00	1294,00	1861,73	1867,50
"Микрокредитбанк"	1289,00	1294,00	1860,00	1868,00
"Туркистон" банк	1290,00	1293,00	1850,00	1880,00
"Даврбанк"	1288,00	1294,00	1850,00	1860,00
"Кредит-Стандарт" банки	1289,00	1294,00	1850,00	1877,00
"Капитал банк"	1290,00	1294,00	1850,00	1877,00
"Содерат банк"	1288,00	1294,00	1829,00	1879,00
"Ҳамкор банк"	1288,00	1294,00	1810,00	1890,00
"Универсалбанк"	1290,00	1294,00	1861,00	1867,00
"Парвинабанк"	1288,00	1291,00	1851,00	1854,00
"Равнақбанк"	1288,00	1294,00	1850,00	1870,00

«Банк ахборотномаси», N 45 (600) 2007 йил 7 ноябрь.

ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

БУХГАЛТЕРИЯГА ОИД ИНТЕРНЕТ-САЙТЛАРДАН ОЛИНГАН АХБОРОТЛАРДАН Фойдаланасизми? Агар фойдаланаётган бўлсангиз, кўпроқ қайси сайтларга кирасиз? Бу сайтларнинг ташкил этилиши ва улардаги ахборотлар ҳақида фикрингиз қандай?

● Тикувчилик корхонаси бош бухгалтери Динара Дамировна:

– Йўқ, мен бундай ахборотлардан фойдаланмайман. Уларнинг борлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Энди бундай сайтларнинг манзиллини топсам, албатта уларга кириб танишиб кўраман.

Менимча, бундай сайтлар уларга кирувчиларга ўз хабарларини юбориш, бухгалтерия ҳисоби муаммолари, мамлакатимиздаги солиқ солиш сиёсати ҳақидаги фикрларни, ўз гоё ва ечимларини ўртоқлашиш имкониятини берадиган тарзда ташкил этилмоғи лозим.

● Матбаа хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Н. хоним:

– Ташкилотимиз – ягона солиқ тўловчилардан. Бу борадаги қонунчилик базаси бир неча йилда бир бор ўзгариши мумкин, шу сабабли интернет-сайт ахборотларидан умуман фойдаланмаймиз. Бизга бу нарса керак эмас ҳам. Бухгалтериядаги ишларимиз учун газетангизда чиқаётган материаллар-у, компьютерларимизга ўрнатилган «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимининг ўзи кифоя. Ҳамма янгиликларни, ўзгаришларни улардан билиб оламиз. Бундан ташқари обуна йўли билан «Норма маслаҳатчи» иловаларини ва маълумотна адабиётларини оламиз. Шу боис бухгалтерияга оид махсус сайтларни ва улардаги тегишли ахборотларни қидиришга эҳтиёж йўқ.

● Улгуржи савдо соҳаси бухгалтери Элеонора Константиновна:

– «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасида www.buh.uz деган бухгалтерия сайтига қилинган ҳаволага кўзим тушиб қолди. Шу сайтга кирдим, очилганида бирон-бир фойдали ахборот, мутахассислар анжуманидан хабар топаман деб умид қилган эдим. Аммо кейинроқ ҳафсалам пир бўлди. Бу сайт кўнглидагидек ишламаяпти. Берган саволларимга чала ва ғўр жавоб олдим. Уларда қонун ҳужжатлари, қарорлар ва шу сингари аниқ манбаларга ҳавола йўқ. Бинобарин гапларининг ишончлигига ишонч ҳам йўқ. Жавоб бераётганларнинг аниқ исми шарифи айтилмайди, бунинг устига жавоблар «ҳа» ёки «йўқ»дан нарига ўтмайди. Оқибатда кўп нарса ноаниқлигича қолади. Кейинги вақтларда эса саволларга умуман жавоб беришмаяпти.

Ўзбекистонимиздаги бошқа сайтларни билмайман. Россия сайтларидаги жавоблар ишимизга ёрдам бермайди, чунки уларда солиқ солиш тартиби бутунлай бошқача. Шу кунларда «Бошқарув ҳисоби» мавзуи бўйича USAID курсларида малака ошироқдаман: кўп нарса аниқ ва тушунарли бўлиб қолди. Солиқ солиш иши мендан ташқари бошқа бухгалтерларни ҳам қизиқтирса керак деб ўйлайман.

Агар www.buh.uz сайти рисоладагидек ишласа, ҳамма нарса соз бўларди. Тўғри, унда мамлакатимизнинг қонунчилик базасига доир бўлим бор. Лекин мени у нунча қизиқтирмайди. Чунки бизда «Norma» электрон тизими ўрнатилган ва муттасил янгилаб борилади. Тезкор ахборотларни асосан газеталарингиз орқали оламиз. «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» нашрлари жума кунлари, яъни иш ҳафтасининг охирида чиқаётгани дуруст бўлмади. Илгарилари сешанба кунлари чиқар эди. Бу раҳбариятимизга ҳам, бухгалтерия ходимларига ҳам қулай эди. Маълумотларни, валюта курсларини солиштириб бориш ва бошқа ахборотлар олиш мумкин эди.

● Кимёвий асбоб-ускуналар ва дориларнинг улгуржи савдоси соҳаси бош бухгалтери Ирина Викторевна:

– Очигини айтганда, интернетдан жуда кам фойдаланаман, шу сабабли бу сайтлар қандай эканлигини билмайман ҳам. Рост, Ўзбекистонимизда шундай ихтисослашган бухгалтерия сайтлари борлигини билганимда, уларга албатта кириб кўрган бўлур эдим. Дарвоқе, кўпгина танишларим, шу жумладан бухгалтер бўлиб ишлайдиган танишларим ҳам ундан беҳабар эканлар. Интернетда ҳар хил анжуманлар бўлиб туради, деб эшитдим. Лекин бунақа анжуманларни ёқтирмайман.

Башарти сизларнинг тахририятингиз шундай сайтни очса, зўр иш бўлур эди. Табиийки, бизни аввало унда бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, умуман корхоналарнинг молиявий фаолиятига доир барча ахборотлар жойлаштирилиши қизиқтиради. Муаммоли, чигал масалалар ҳал этилишига доир маслаҳатлар, мутахассисларнинг тушунтириш ва изоҳлари бериб борилишини истардик. Чет эллардаги on-line сингариларга ўхшаш бевосита мулоқот ташкил этилса соз бўларди. Негаки баъзан ишда ноанъанавий, қизиқ вазиятлар учраб қолади, шунда таниш-билишларга кўнги-роқ қилиб сўрайсан киши. Юқорида айтилганлар йўлга қўйилса, тайёр ечимни олиш осон бўларди. Бундай сайтларнинг газетадан афзаллиги шундаки, саволга дарҳол, яъни газетанинг навбатдаги сонини кутмасданок жавоб олиш мумкин. Бундан ҳамма наф қўриши турган гап.

Мисол қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Туман солиқ инспекциямизни олинг. Бухгалтерлар ҳисоботлар топширишдан олдин ёки топшираётган кезлари берадиган саволларга инспекция ходимлари хушламайроқ жавоб беришади. Бунинг устига ҳаммиша ҳам тўғри жавоб берадилар дейиш қийин.

Натижада ҳисоботлар, гарчи ягона шаклда бўлса ҳам,

кўпинча ҳар хил тўлдирилади, оқибатда корхона, фирма айбдор бўлиб чиқади. Ягона, ҳамма бемалол фойдалана оладиган, ваколатли бухгалтерия сайти бўлганда эди, муаммолар ҳам, номувофиқликлар ҳам камроқ бўлар, иш вақти тежалар, асабларга зўр келмас эди.

● Уяли алоқа хизматлари соҳаси бош бухгалтери Татьяна Ивановна:

– Биз ишда асосан ўз порталимиз – www.mts.uz корпоратив сайтидан фойдаланамиз. Баъзи-баъзида Россиянинг www.mts.ru сайтига ҳам мурожаат қилиб тураимиз. Компаниямиздаги барча бухгалтерларнинг компьютерлари интернет тармоғига уланган бўлиб, газначиликнинг axborot.uz сайтига ҳам бемалол кира оладилар. Бу сайтдан улар тўловлар бўйича, Ўзбекистон банклари билан ўзаро ҳамкорликка доир барча зарур ахборотларни оладилар. Бундан ташқари кўшимча равишда pravo сайтига ҳам кириб тураимиз. Юристаримизга эса «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими ўрнатиб беришган.

Шуни айтиш жоизки, ҳуқуқий, қонунчилик йўсинидаги ахборотларга қизиқиш, талаб катта. Масалан, ҳозир бизда маънан эскирган ускуналарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва кейинчалик уларни ҳисобдан чиқариш зарурати бор. Қонун ҳужжатларида барча ускуналар, маънан эскирган ёки эскирмаганлигидан қатъи назар, қайта баҳолашни керак деб айтилган. Бизга қайта баҳолашга асос бўладиган аниқ таъриф керак. Ана шундагина бу ҳужжатга таяниб мўлжаллаётган ишни қилишимиз мумкин.



Иш жараёнида бирон-бир «ёнаётган» масала юзасидан маслаҳатлашишга эҳтиёж пайдо бўлади. Афсуски, юқорида номлари зикр этилган сайтларда уларга ечим топиб бўлмайди. Ҳамонки бундай зарурат бор экан, мен янги, айнан бухгалтерия йўналишидаги сайт очилишини мамнуният билан қутлаган бўлар эдим. Бундай сайтга ҳар қандай фирманинг, корхонанинг бухгалтери эмин-эркин кира ва фойдалана олиши керак деб ўйлайман.

● Алоқа хизматлари соҳаси бош бухгалтери Елена Викторевна:

– Мамлакатимизда бундай сайтлар, ўйлашимча, жуда кам. Мен, масалан, fms сайтидан фойдаланаман, унда фойдали ахборотлар, хусусан бож ставкаларига доир ахборотлар кўп. Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг зарур кодлари ҳам топиш мумкин. Бухгалтерга керакли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг ҳаммаси бор. Кузатишимча, сайтлар, улардаги ҳужжатлар, бошқа маълумотлар тез-тез янгилаб борилмайди. Бу эса улардаги ахборот ҳаёт билан ҳамқадам бўлмаётганлиги, эскириб қолаётганлигидан далолат беради.

Ишда асосан «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими билан иш олиб бораман, унинг базасини бот-бот янгилаб боришади. Ўзбекистондаги сайтларга муттасил кириб турганим билан, ундаги ахборотлардан бирдек фойдаланаман деб айтолмайман. Бир сафар ўзимни қизиқтирган мавзу хусусида Ўзбекистон бухгалтерлари анжуманига ёзмамни йўлладим, аммо керакли жавобни сайтдан тополмадим. Билдимки бундай анжуман асли йўқ экан. Афтидан, бизда бу борада ўйиш бўлмаётган кўринади...

Шундай сайтни очиш зарурати бор. Мабодо у газета тахририяти ёки «Norma Hamkor» масъулияти чекланган жамият томонидан очилгудек бўлса, газетага, қолаверса «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимининг туркум ҳужжатларига бўлган талабга таъсир этмасмикан? Айни чоғда такрорийлик келиб чиқмасмикан? Бевосита мулоқот ёки on-line тизими ҳам иш бериши мумкин, жиддий бир масала устида боши қотиб турган бухгалтер айна шу сайтдан жавоб ҳам, ечим ҳам топиши мумкин. Муайян бир вазиятда айна қайси ҳужжатга таяниш жоиз эканлигини

шунчаки билиб олиш ҳам фойда-ку. Вақтдан ютиш деган нарса ҳам бор...

● Бинокорлик металл буюмларини тайёрлаш корхонаси бош бухгалтери Мадина Эмидовна:

– Мен тасодифан топган бухгалтерия сайтидан фойдаланаман, уни, менимча, buh.uz деб юритишади, шекилли. Унинг ташкилотчилари ва бунёдкорлари ўқув марказларидан бири экан. Лекин, очигини айтганда, унда бухгалтерлар учун керакли маълумотлар кам. Бир сафар ягона солиқ тўлашим керакми-йўқми деб берган саволимга анчагача жавоб беришмади. Орадан аллақанча вақт ўтгач, жавоб кўринди, лекин у тўғри эмасди. Кейинроқ жавобнинг бирмунча тўғри тахририни аллақайси аудиторлик фирмаси имзоси билан беришди.

Бундан ташқари йилнинг охирида, статистика органларига ҳисобот топширадиган фурсат келганда баъзан statistika.uz сайтига кираман. У ердан Фаолият турлари бўйича умумдавлат таснифномаси (ФТХУТ)га кўра хизматлар рўйхатини ва кичик бизнес учун ҳисоботларнинг янги шакли бўйича йўриқномани топиш мумкин деганлари учун ҳам бу сайтга мурожаат қилган эдим. ФТХУТ кейинчалик ҳар хил маълумотномаларда, «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимида бериладиган бўлди.

Ихтисослаштирилган сайтлардан, умуман олганда, фойдаланмайман ҳисоб. Амалиёт билан боғлиқ у ёки бу масалани зудлик билан ҳал этиш керак бўлиб қолгандагина мурожаат қиламан, холос. Очигини айтганда, фирмамизда интернет йўқ, шу сабабли интернет-кафега боришга тўғри келади. Шу зайл дунёқарошим кенгайиб, замонавий билимлардан бохабарлик ортиб бормоқда.

● Брокерлик компанияси директорининг ўринбосари Комила:

– Ўзбекистондаги бундай сайтларни шахсан мен билмайман. Баъзан интернет орқали шунга ўхшаш сайтлардан ёрдам олиш учун мурожаат қилиб тураман. Олиб бераётган фаолиятимиз турига мос ахборот қидираман, яъни халқаро стандартларга оид ахборот излайман. Топгач, уларни қайта ишлаб, мамлакатимиз қонунчилик базасига мослаштирган бўламан. Умуман эса «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими ёки «СБХ» газетасидан фойдаланамиз, уларда биз учун керакли барча нарса бор.

● Дастурий таъминот билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор Ольга Ивановна:

– Айнан бухгалтерия сайтларидан фойдаланмайман, чунки асосий фаолиятим бу эмас. Ишда мунтазам равишда бирдан-бир фойдаланадиганим «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимидир. Унда қонун ҳужжатларидаги янгиликлар бериб борилади. Нимадир зарур бўлиб қолса, ундан топаман.

Ҳозир ўзимнинг ҳам сайтим бор, унда бутун маълумотимиз, шу жумладан бухгалтерларга мўлжалланган дастурлар тавсифи берилган. Яқинда менга россиялик бир аёлдан e-mail бўйича хат келди. Дастурларимиздан бирида ўзидагига ўхшаш нарсани кўриб қолибди. Қарасак, бошқа-бошқа нарсалар экан. Бухгалтерлар ўзларига, масалан, иш ҳақини ҳисоблашда ёрдам берувчи дастурлар билан ишлаганда, бундай дастурларнинг ҳаммасини бир хил деб ўйлайдилар. Гап аслида касбнинг ўзига хос жиҳатида. Иш юзасидан кўпгина бухгалтерлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади, лекин уларнинг биронтасидан Ўзбекистондаги бухгалтерия сайти номини бир марта ҳам эшитмаганман. Шу сабабли биздаги бухгалтерия сайтларидан кўпчилик фойдаланмайди деб ўйлайман, бунинг устига шундай сайтларнинг ўзи ҳам кўп эмас. Аудиторлик сайтлари тўғрисида деярли ҳеч нарса билмайман. Аммо мулоқот учун, турли ҳужжатларга ҳаволалар ҳақида фикр алмашиш учун улардан фойдаланилса ёмон бўлмасди.

Одатда бирон муаммо ёки шунчаки танг масала чиқиб қолса, бу ҳақда таниш-билишлардан сўраб-суриштирилади. Айтилик, бухгалтер мендан фалон масала бўйича маслаҳат бера оладиган одам борми, деб сўрайди. Мен таниш аудиторлар борлигини айтаман. Кейин улардан бирига кўнги-роқ қилиб, юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари ахтаришга тушамиз. Кўпгина тажрибали, стажи катта, ишда паст-баландни кўрган, юмшоқроқ қилиб айтганда ёши улгайиб бораётган бухгалтерларнинг қарор топган андозаларни ўзгартиришлари, масала ечимини топиш учун замонавий ахборот воситаларига мурожаат қилишлари энгил кўчмайди. Улар компьютерда ишлаганларида ҳам интернетдан фойдаланадиганлари кам. Аммо тўғри ва ўринли, муфассал жавобни тезкорлик билан олиш мумкин бўлган ишончли бухгалтерия сайтлари бўлганида борми, шак-шубҳасиз, улар жуда «харидоргир» ва оммабоп бўлиб кетарди. Интернетдаги анжуманлар ҳам асқотади дейиш мумкин. Уларда ўз касбининг пири бўлиб келган мутахассислар билан бу ишга эндигина кириб келган мутахассислар ўртасида жонли мулоқотлар бўлади, қолаверса бир неча саҳифани ўқишинг билан қидираётган нарсангни топишинг мумкин.

Ўтган ҳафта саволларига жавобларни **Олег БУРЕНОВ** ёзиб олди.

КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ХИЗМАТИДАН Фойдаланасизми? Агар фойдаланмаётган бўлсангиз, сабаби нима? Уларнинг билимдонлиги ва ўқувига шубҳангиз борми ёки улар ҳақида ахборотга эга эмасисиз? Балки сизда маслаҳатга зарурат йўқдир? Борди-ю фойдаланаётган бўлсангиз, солиқ маслаҳати тўғрисидаги фикрларингиз билан ўртоқлашмайсизми?

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари тахририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.

«Амалий бухгалтерия» янгиланувчи қўлланмасидаги кўп сонли мисолларда хўжалик операцияларининг ҳисоби ва уларга солиқ солинишининг хусусиятлари тушунтирилади, бирламчи ҳужжатларни тўлдириш намуналари ва бошқа кўплаб масалалар, шу жумладан ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ҳисобланиши бўйича тушунтиришлар келтирилади.

Тахририятга таътилар вақтига, касаллик варақалари бўйича ва ҳоказоларга ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашга тааллуқли саволлар берилган хатлар кўп келади. Ушбу материалда биз Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 133-сон қарори билан тасдиқланган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибини имкони борича батафсилроқ кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ: ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Таътилар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказо), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи, мукофотлар, кўшимча тўловлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар кирди.

2. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига таътил вақтига ҳақ 10 ой учун ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига кўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

Таътилар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашнинг мазкур тартиби меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча – ҳам ишбай, ҳам вақтбай тизимларида қўлланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида ҳисоб-китобда ойлик лавозим маоши ёки кунлик ёхуд соатлик тариф ставкаси қўлланади.

Ишбай тизимидаги ходимнинг ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми учун белгиланган тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ишбай нархлар бўйича ҳисоблаб чиқариладиган ишбай иш ҳақи ва унинг тариф бўйича қисми ўртача ойлик сифатида аниқланади.

Таътилар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашга иш ҳақининг куйидаги турлари киритилади: тариф бўйича белгиланган иш ҳақи ёки ҳисоб-китоб кундаги лавозим маоши, кўшимча ва устама ҳақлар (тунги ва ишдан ташқари вақтдаги, байрам ва дам олиш кунларидаги иш учун, бир неча касбда ва лавозимда ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги ва бажариладиган ишлар

ҳажми ортанлиги учун, мохирлик учун, илмий даража учун, «Тармоқнинг хизмат кўрсатган ходими» фахрий унвони учун, шахсий устама, туман коэффициенти бўйича тўловлар, синф раҳбарлиги учун, дафтарлар ва ёзма ишларни доимий текширганлиги учун, юқори савияли тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун, касб маҳорати ва умумтаълим жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси учун устама-лар, соғлиқ учун хавфли ва зарарли ҳамда ўта оғир меҳнат шароитлари муносабати билан тиббиёт ва фармацевтика ходимларига кўшимча ҳақлар, узлуксиз меҳнат стажи давомийлиги учун тиббиёт ва фармацевтика ходимларига устама-лар, тизим низомлари бўйича ҳар ойлик ва чораклик мукофотлар, йил учун иш якунлари бўйича мукофот, кўп йиллик меҳнати учун мукофотлар) ҳамда ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар.

Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган ва, тегишинча, таътилар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун **ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайдиган тўловлар турлари** Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомга (МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, кейинги ўринларда 1333-сон Низом) 1-иловада келтирилган.

1-мисол. Лавозим маоши белгиланган ходимга 2007 йил 1 августдан бошлаб 24 иш кунни муддати билан навбатдаги меҳнат таътили берилди. Ҳисоб-китоб кунда лавозим маоши (тариф бўйича қисми) 120 000 сўм миқдорда белгиланган.

Тариф бўйича иш ҳақи (лавозим маоши) қисмидан ошадиган тўловларни аниқлаш учун меҳнат таътили бошланишидан аввалги 12 ойлик давр (2006 йил август-декабрь, 2007 йил январь-июль) ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоб давридаги лавозим маошидан ошадиган тўловлар куйидагиларни ташкил қилган: тизим низомлари бўйича ҳар ойлик мукофот – 720 000 сўм; туман коэффициенти бўйича тўловлар – 74 520 сўм; оилавий шароити муносабати билан моддий ёрдам – 40 000 сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда моддий ёрдам суммаси ҳисобга олинмайди, чунки унга



ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзилмайди (1333-сон Низомга 1-иловининг 3-банди).

Меҳнат таътили вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи: $120\,000 + (720\,000 + 74\,520) : 12 = 186\,210$ сўмни ташкил қилади.

Таътил вақтига ҳақ тўлаш учун маблағлар миқдори ўртача ойлик иш ҳақи суммасини иш вақтининг кунлардаги ўртача ойлик давомийлиги – 25,4 кунга бўлиш ва календарь бўйича таътилнинг иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ҳисобланган таътил вақтига ҳақ суммаси: $186\,210 : 25,4 \times 24 = 175\,946,4$ сўмни ташкил қилади.

2-мисол. Ишбай асосда ишлайдиган ишчига 2007 йил 1 августдан бошлаб 18 иш кунни муддати билан меҳнат таътили берилди. Ҳисоб-китоб кунда тариф бўйича иш ҳақи 130 000 сўмни ташкил қилган. Ҳисоб-китоб даврида (2006 йил август-декабрь, 2007 йил январь-июль) тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган тўловлар куйидагиларни ташкил қилган: ишлаб чиқариш натижалари учун мукофот – 888 000 сўм; ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи – 660 000 сўм; тунги вақтда ишлаганлиги учун кўшимча тўлов – 25 000 сўм; ходимнинг юбилей санаси муносабати билан мукофот – 65 000 сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда ходимнинг юбилей санаси муносабати билан мукофот суммаси ҳисобга олинмайди, чунки унга ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисоблаб ёзилмайди (1333-сон Низомга 1-иловининг 12-банди).

Меҳнат таътили вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи: $130\,000 + (888\,000 + 660\,000 + 25\,000) : 12 = 261\,083$ сўмни ташкил қилади.

Ҳисобланган таътил вақтига ҳақ

суммаси: $261\,083 : 25,4 \times 18 = 185\,022$ сўмни ташкил қилади.

Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига таътил вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоб давридаги тариф бўйича иш ҳақи қисмидан ошадиган тўловлар 10 га бўлиниши фарқи билан ўша тартибда (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорига 6-иловининг 1-банди, кейинги ўринларда – 133-сон қарорга 6-илова) ҳисобланади.

Мисол. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисига 2007 йил 1 июлдан бошлаб 48 иш кунни муддати билан меҳнат таътили берилди. Ҳисоб-китоб кунда лавозим маоши (тариф бўйича қисми) 128 085

Зарар ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртача ойлик иш ҳақига фойзаларда, соғлиғига шикаст етказилиши сабабли қилинган кўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади.

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундириладиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда хомилдорлик ва турғуқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қуйидагилар киритилмайди: юридик шахсларнинг устав фондларидаги қўйилмалари ёки пайлари бўйича улар томонидан олинадиган дивидендлар ва фойзалар, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича даромадлари; бир марталик тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун пул компенсациялари, меҳнат шартномаси тўхтатилганда бериладиган ёрдам нафақалари).

Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги охириги 12 ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) бўйича аниқланади.


Ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи иш ҳақининг умумий суммасини 12 га бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Жабрланувчи зарар етказилган вақтда 12 ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлари сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ходим соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ ҳолда иш берувчи томонидан тўланадиган бир йўла бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномасида, агар у тўзилмаган бўлса иш берувчи ва касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги битим бўйича аниқланади.

Бир йўла бериладиган нафақа миқдори жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Йиллик иш ҳақи миқдори мазкур Қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи меҳнат жароҳати туфайли қилинган кўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга доволаш, протезлаш, кўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, санатория-курортда доволаниш, шу жумладан жабрланувчининг доволанадиган жойга бориш ва келиш йўл харажатлари ва бошқа турли ёрдам харажатлари кирди. Уларнинг миқдорлари Қоидаларнинг III бўлимида белгиланган.

ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ: ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР



3-бетда

4. Меҳнатга яроқсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш варақалари бўйича тўловлар ҳисоб-китоби (нафақалар ҳисоблаш) Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, кейинги ўринларда – 1136-сон Низом) мувофиқ амалга оширилади.

1136-сон Низомга кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинadиган ҳақиқий иш ҳақи ва жойидан, сугурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Сугурта бадали ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари Сугурта бадаллари қўшилмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхати (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 9-илова) асосида аниқланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олинган ва сугурта бадаллари чегирланган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақи бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришда ойлик иш ҳақи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган қўшимча ва устамаларни қўшган ҳолда кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ва ўртача ойлик мукофотлар суммаси ҳисобга олинади.

1-мисол. Ходим 2007 йил 1 октябрдан 5 октябргача вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Ходимнинг октябрь ойидаги лавозим маоши 125 000 сўмни ташкил қилади. Ўтган 12 ойдаги (2006 йил октябрь-декабрь, 2007 йил январь-сентябрь) лавозим маошидан ошадиган тўловлар суммаси куйидагиларни ташкил қилади: тизим низомлари бўйича мукофот – 600 000 сўм; «Хизмат кўрсатган саннат ходими» фахрий унвони учун қўшимча тўлов – 111 780 сўм. Иш ҳақи нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 80%ни ташкил қилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи: $125\,000 + (600\,000 + 111\,780) : 12 = 184\,315$ сўмни ташкил қилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақини иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. 2007 йил октябрда иш кунлари сони 22 кунни ташкил қилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи: $184\,315 : 22 = 8\,377,95$ сўмга тенг.

Кунлик нафақа ўртача ойлик иш ҳақи ва иш ҳақи нисбатан фоизлар ҳисобида белгиланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига кўпайтириб аниқланади. Мазкур ҳолда 1 октябрдан 5 октябргача (5 иш кунига).

Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз-

ҳақи (тариф ва тарифдан ташқари қисми ҳисобга олинган ҳолда): $4\,523 + 1\,970 = 6\,493$ сўмга тенг бўлади.

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақи ва иш ҳақи нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига, яъни 1 октябрдан 5 октябргача (5 иш кунига) кўпайтириб аниқланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори $6\,493 \times 5 \times 60\% = 19\,479$ сўмга тенг.

Ишбай иш ҳақи олувчи ходимларга нафақа уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошлан-

ган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойидаги ўртача иш ҳақидан, унга мукофотларнинг ўртача ойлик суммасини қўшиб ҳисоблаб чиқарилади.

3-мисол. Ишбай асосда ҳақ тўланадиган ходим 2007 йил 1 октябрдан 5 октябргача касаллик варақасини тақдим этди. Унинг сентябрь ойидаги ишбай иш ҳақи 75 000 сўмни ташкил қилди. Ўтган 12 ойдаги (2006 йил октябрь-декабрь, 2007 йил январь-сентябрь) тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган

тўловлар суммаси куйидагиларни ташкил қилади: хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги учун қўшимча тўлов – 110 000 сўм; йил учун иш якунлари бўйича мукофот – 120 000 сўм.

Иш ҳақи нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 100%ни ташкил қилади.

Касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи: $75\,000 + (110\,000 + 120\,000) : 12 = 94\,166$ сўмни ташкил қилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақини иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. 2007 йил октябрда иш кунлари сони 22 кунни ташкил қилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи: $94\,166 : 22 = 4\,280$ сўмни ташкил қилади.

Кунлик нафақа ўртача ойлик иш ҳақи ва иш ҳақи нисбатан фоиз ҳисобида белгиланган нафақа миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақа миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ишга келинмаган иш кунлари сонига кўпайтириб аниқланади. Мазкур ҳолда 1 октябрдан 5 октябргача (5 иш кунига).

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори $4\,280 \times 5 = 21\,400$ сўмни ташкил қилади.

Ходим асосий иш жойидан ташқари ўша ёки бошқа корхонада ўриндошлик асосида ишласа, на-

фақа барча иш жойидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ходим тўлиқ бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошининг ҳақиқатда олинadиган қисми асосида ҳисобланади (1136-сон Низом 55-бандининг 2-хатбошиси).

Касаллик варақаси асосий иш жойи бўйича тақдим этилади. Агар ходим ўриндошлик асосида бошқа корхонада ишласа, у ерга касаллик варақасининг нотариус тасдиқлаган нусхасини тақдим этиши керак.

5. Бошқа барча ҳолларда (1-4-бандларда кўрсатиб ўтилганлардан ташқари) ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

Бундай ҳолларга куйидагилар киради: ходимнинг давлат ва жамоат вазифаларини бажариши, ходимнинг иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариши, ходим жамият манфаатларидаги ҳаракатларни содир этганда, ходимнинг айби билан бўлмаган бекор туришларга ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинчалик бошқа ишга ўтказишда иш ҳақини тўлашда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

Мисол. Ходимни халқ маслаҳатчиси сифатида 2007 йил 1 октябрдан 5 октябргача судга юборишди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддасига мувофиқ давлат вазифаларини бажарувчи ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади. У 133-сон қарорга 6-илованинг 5-бандига мувофиқ кейинги икки календарь ойи учун ҳисоблаб чиқарилади.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун ҳисоб-китобга 2007 йилнинг август ва сентябрь ойлари олинади. Мазкур даврда ходим жадвал бўйича барча иш кунларини тўлиқ ишлаган.

2007 йил августда ходимга куйидагилар ҳисоблаб ёзилган: лавозим маоши – 95 000 сўм, ҳар ойлик мукофот – 45 000 сўм, ходимнинг шахсан ўзига устама – 19 000 сўм.

2007 йил сентябрда ходим ҳисоб-китобига куйидагилар киритилган: лавозим маоши – 95 000 сўм, ходимнинг шахсан ўзига устама – 19 000 сўм, ҳар ойлик мукофот – 35 000 сўм.

Ходимнинг кейинги икки календарь ойи учун ўртача ойлик иш ҳақи: $(95\,000 + 45\,000 + 19\,000 + 95\,000 + 19\,000 + 35\,000) : 2 = 154\,000$ сўмни ташкил қилади.

Ходим давлат вазифаларини бажарган кунлари учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи кейинги 2 календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақини иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Иш ҳақи август ва сентябрь

ойларида олинганлиги сабабли ҳисоб давридаги ўртача ойлик иш кунлари сони аниқланади:

$(23 \text{ и.к. (августда)} + 20 \text{ и.к. (сентябрда)}) : 2 = 22 \text{ и.к.}$

Шу тариқа, ўртача кунлик иш ҳақи $154\,000 : 22 = 7\,000$ сўмни ташкил қилади.

Давлат вазифаларини бажарган кунлар учун тўлов суммаси $7\,000 \times 5 = 35\,000$ сўмга тенг.

6. Ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, икки ойгача бўлган муддатда иш қидириш (меҳнат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотномага мувофиқ уч ой), шунингдек, касаллик даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларида корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Мисол. Ишлаб чиқариш цехи ишчиси 1 майда ишга қабул қилинган эди. Унга биринчи таътил кейинги йилнинг 15 февралидан 18 иш кунлик муддатга берилди. Ходимнинг таътилдан олдинги иш ҳақи тариф бўйича 50 000 сўмни ташкил этган эди. 1 мартдан унинг маоши 20%га ошди ва 60 000 сўмни ташкил этди.

Ходимга ишланган давр учун куйидаги қўшимча тўловлар ҳисобланди: мукофот – 10 000 сўм, моддий ёрдам – 12 500 сўм, ишбай ишга қўшимча тўловлар – 35 000 сўм.

Ходимнинг таътили 15 февралдан 7 мартгача давом этади, бу февраль ойида 12 иш куни ва март ойида 6 иш кунини ташкил қилади.

Таътил вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи, ҳисоб-китоб кунидagi лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда, уни ҳисобга олинаётган даврда белгиланган лавозим маошидан ортиқча суммаларнинг 1/9 қисмига оширилиб (ходим биринчи йил ишлаётганлиги ва тўққиз ой тўлиқ ишлаб берганлиги туфайли) аниқланади. Ҳисоб-китобларга кўра у 55 000 сўмни $(50\,000 + (10\,000 + 35\,000) : 9)$ ташкил этади.

Таътил вақтига ҳақ суммаси 38 976 сўмни $(55\,000 : 25,4 \times 18)$ ташкил этади.

Таътилнинг 6 куни март ойига тўғри келганлиги ва 1 мартдан ходимнинг маоши ўзгарганлиги сабабли, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларида корхонанинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Март ойининг 6 иш куни учун янги маош бўйича ҳисобланган таътил вақтига ҳақ $15\,354$ сўмни $(65\,000 : 25,4 \times 6)$ ташкил этади. Бу ерда, $65\,000$ – ўртача ойлик иш ҳақи $(60\,000 + (10\,000 + 35\,000) : 9)$, маош ошишидан илгари 6 иш куни учун таътил вақтига ҳақ – $12\,992$ сўм $(55\,000 : 25,4 \times 6)$ ҳисобланган эди. Демак, ходимга қўшимча $2\,362$ сўм $(15\,354 - 12\,992)$ тўлаш лозим.



лик бўйича нафақа миқдори $8\,377,95 \times 5 \times 80\% = 33\,511,8$ сўмга тенг.

2-мисол. Ходим 2007 йил 1 октябрдан 5 октябргача вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Ходимнинг меҳнатга қобилиятсиз бўлган кунидagi кунлик тариф ставкаси $4\,523$ сўмни ташкил қилади.

Ўтган 12 ойдаги (2006 йил октябрь-декабрь, 2007 йил январь-сентябрь) тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган тўловлар суммаси куйидагиларни ўз ичига олади: тизим низомлари бўйича мукофот – 450 000 сўм; иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлиги учун қўшимча тўлов – 20 000 сўм; касаллик варақаси бўйича тўлов – 35 000 сўм; корхона жамоа шартномасида назарда тутилган байрамга мукофот – 50 000 сўм. Иш ҳақи нисбатан фоизларда тайинланган нафақа миқдори 60%ни ташкил қилади.

Тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача ойлик иш ҳақи: $(450\,000 + 20\,000 + 50\,000) : 12 = 43\,333$ сўмга тенг бўлади.

Тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача кунлик иш ҳақи тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача ойлик иш ҳақини иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. 2007 йил октябрда 22 иш куни бор.

Тариф бўйича иш ҳақидан ошадиган ўртача кунлик иш ҳақи: $43\,333 : 22 = 1\,970$ сўмни ташкил қилади.

Ходимнинг ўртача кунлик иш

ХОДИМЛАР СОНИ МЕЪЁРГА МУВОФИҚ БЎЛСИН

? «Курилишмеханизация» МЧЖ қурилиш пудрат ташкилоти ҳисобланади (ХХТУТ – 61110) ва умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Қурилиш участкасидан ташқари, ташкилотда 10 киши ишлайдиган капитал таъмирлаш участкаси бўлиб, бу ходимлар гидромоторларни таъмирлаб, ташкилотга қўшимча даромад келтирадилар. Тўртинчи чоракдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмоқчимиз.

Бунда қуйидаги саволлар туғилди:
 1. Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун ходимлар сонини белгилаётганда (қурилиш бўйича – 50 киши) бошқа фаолият бўйича ходимлар сони, яъни капитал таъмирлаш участкасидан ходимлар миқдори ҳисобга олинмайдими?

2. Бундан аввалги уч чорак мобайнида ходимларнинг умумий сони капитал таъмирлаш участкаси билан биргаликда 60 кишини ташкил этди. IV чоракдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун ходимлар миқдорини 50 кишигача қисқартирдик. Биз IV чоракдан ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқига эгамизми?

– Биринчидан, капитал таъмирлаш участкаси ходимларининг сони умуман ташкилот бўйича ходимлар сонини белгилашда ҳисобга олинмиши керак. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида қисқача низоми (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) 7-бандининг «б» кичик бандига кўра корхона ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда, асосий фаолиятда ишловчилардан ташқари, ўриндошлик, пудрат шартномалари ва

бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинмиши керак.

Иккинчидан, Низомнинг юқорида кўрсатилган 7-бандига кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналарга ходимлар миқдори қонун билан белгиланган мезонга мувофиқ келадиган юридик шахслар киради, бунда ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиқиб бел-

гиланиши керак. Бинобарин, агар жорий йил якунларига кўра корхонанинг ходимларининг ўртача йиллик миқдори қонун томонидан микрофирмалар ва кичик корхоналарга қўйиладиган талабларга мувофиқ келса, фақат кейинги йилнинг бошидан ягона солиқ тўловини тўлашга ўтишингиз мумкин.

Қурилиш соҳасида кичик корхона ходимларининг чегараланган миқдори Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига кўра (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октяб-

МЧЖ бош бухгалтери.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ

NORMA

Ахборот-ҳуқуқий тизими

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
 Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
 Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
 Наманган ш.: (3692) 32-84-26
 Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
 Андижон ш.: (3742) 50-25-96
 Қарши ш.: (99875) 227-18-11

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

рдаги 439-сон қарорига илова) 50 кишини ташкил этади. Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун корхонанинг ходимларининг ўртача йиллик сони айна шу меъёрга мувофиқ келиши керак.

Ходимлар ўртача йиллик сони ҳисоб-китобнинг тартиби Ёлланиб ишловчиларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича йўриқнома (АВ томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади. Мазкур йўриқноманинг 2.10-бандига кўра бир йил учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ҳисобот йилининг барча ойлари учун ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва

олинган суммани 12 га бўлиш билан аниқланади.

Агар ташкилотнинг жорий йилнинг уч чораги мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик миқдори 60 кишини, IV чоракдан бошлаб эса 50 кишини ташкил этган бўлса, ўртача йиллик миқдор 58 кишини ташкил этади: (60+60+60+60+60+60+60+60+50+50)/12.

Шу тариқа, ташкилотнинг ходимларининг ўртача йиллик сони қурилиш ташкилотлари учун белгиланган чегараланган миқдордан ошиб кетади, бинобарин, сиз ягона солиқ тўловини тўлашга ўта олмайсиз.

ИШДАН БЎШАШ ЎРНИГА КАСАЛЛИК ВАРАҚАЛАРИ

? Ходим билан бир йилга муддатли меҳнат шартномаси тузилган. У ўз мажбуриятларини астойдил бажармаганлиги сабабли ташкилот маъмурияти у билан меҳнат муносабатларини давом эттирмаслик ва уни келгуси йил учун штатлар жадалига киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугашига уч кун қолганда мазкур ходим касал бўлиб қолди. Унинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги 2006 йил 26 декабрдан 2007 йил 5 январгача чўзилди ва иш берувчи ҳақ тўлашига тақдим этилган касаллик варақаси билан асосланди.

Шундан сўнг ходим яна етти ой мобайнида ишга келмади ва кейинроқ бунга яна бир неча, шу жумладан касал эрига қараш бўйича касаллик варақалари билан асослади. 2007 йил августда мазкур ходимнинг вакили бухгалтерияга яна бир, унга ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш ҳуқуқини берадиган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақасини тақдим этди. Ҳужжатга ходимнинг ташкилотимиз директори номига ёзилган, уни тўлаш илтимос қилинган аризаси илова этилган.

- Куйидаги масалалар бўйича тушунтириш берсангиз:**
1. Агар ходим янги иш йилида бир кун ҳам ишламаган бўлса, ташкилотимиз касаллик варақаларига ҳақ тўлаши керакми?
 2. Касаллик варақаларини тақдим этиш бўйича қонун билан белгиланган муддатлар мавжудми?
 3. Биз мазкур ходимни 2007 йил январидан ишга чиқмаганлиги учун бўшатиш ҳуқуқига эгамизми?
 4. Унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили, шунингдек болани парваришлаш бўйича ҳақ тўлаш маслиҳат қилиш бўлачми?

Ташкилот директорининг ўринбосари.

– Биринчи навбатда шуни айтиш лозимки, умуман меҳнат қонунчилигига ва хусусан Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 19 январда 873-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалар бериш тартиби тўғрисида йўриқноманинг қоидаларига мувофиқ касаллик варақаларига ҳақ тўлаш иш йилида ишланган кунларнинг миқдорига боғлиқ эмас. Агар мазкур ҳужжат ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси амалдаги шартнома деб ҳисобланган даврда тақдим этилса, иш берувчи унга ҳақ тўлаши шарт.

Иккинчидан, қонун ходимни вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаларини муайян муддатларда тақдим этишга мажбурламайди. Агар ходим меҳнат қобилияти тикланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган ва ҳоказо кундан бошлаб 6 ойдан кечиктирмай мурожаат қилса, иш берувчидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлади (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди).

Ходимни ишга чиқмаган (прогул қилган) кунлари учун ишдан бўшатиш мумкин, чунки унинг бундай ҳаракатлари меҳнат интизомини бузиш деб тан олинади. Бироқ сиз кўрсатган ҳолатда, меҳнат қонунчилигига кўра, буни ишга чиқмаганлик деб атаб бўлмайди.

Меҳнат кодекси 100-моддасининг учинчи қисмига кўра ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки таътилларида бўлган даврида иш берувчи ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, уни ишдан бўшатишга ҳақли эмас. Бироқ агар ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, унинг амал қилиш муддати тугагач шу куннинг ўзидаёқ иш берувчи уни бекор қила олади ёки меҳнатга оид муносабатлар давом этган тақдирда буни бир ҳафта мобайнида қилишга ҳақлидир (МК 105-моддаси). Шуни ҳисобга олиш лозимки, МК 100-моддасида назарда тутилган, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини унинг вақтинча меҳнатга қобилиятсиз ёки

таътилларида бўлган даврда бекор қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги қондаси фақат меҳнатга оид муносабатларни иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳолларигагина татбиқ этилади. Шу тариқа, ҳатто агар ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли касаллик варақаси олинган ҳам, иш берувчи у билан меҳнатга оид муносабатларни МК 105-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича (муддатли меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугаши) бекор қилишга ҳақлидир.

Бошқача айтганда, сиз кўрсатилган ходим билан меҳнатга оид муносабатларни дарҳол, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан ёки кўрсатилган пайтдан бошлаб бир ҳафта мобайнида бекор қилишингиз мумкин эди. Фақат у билан меҳнатга оид муносабатларни бекор қилишга узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш тўғрисидаги буйруқни тегишли тарзда расмийлаштириш керак эди. Агар бундай ҳаракатлар иш берувчи томонидан қилинмаса, ходим билан меҳнатга оид муносабатлар давом этади деб ҳисобланади ва, тегишинча, ҳозирги вақтда (ходимнинг таътилларида бўлган вақтда) уни ишдан бўшатишга ҳақли бўлмайсиз. МК 105-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар меҳнат шартномасининг муддати тугаганидан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомда унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Юзага келган ҳолатдан чиқишининг бирдан-бир йўли – ходимнинг билан меҳнатга оид муносабатларни тарафларнинг келишувига кўра ёки ходимни бирор-бир тарзда қизиқтирган ҳолда унинг хоҳишига кўра бекор қилиш тўғрисида келишиш керак. Акс ҳолда унинг таътилдандан келишининг кутуши ва шунда у билан меҳнатга оид муносабатларни иш берувчининг ташаббуси бўйича, Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган сабабларга кўра бекор қилишгина қолади.

Кўрсатилган таътилга ҳақ тўлаш маслиҳат ҳам ҳақингиз йўқ. Меҳнат шартномасининг амал қилиш даврида (мавжуд ҳолатларга қараганда у сизда номуайян муддатга узайтирилган, яъни амал қилувчи ҳисобланади) иш берувчи ходимга ҳомиладорлик ва туғиш таътилини (МК 233-моддаси), шунингдек боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун таътил (МК 234-моддаси) бериши ва уларга ҳақ тўлаши шарт.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун иш берувчилар МКда белгиланган ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш тартиб-таомилига алоҳида эътибор беришларини тавсия этамиз.

Артём АДЕЕВ,
«Норма маслаҳатчи» газетасининг эксперт-юристи.

КЎЧМАС МУЛКНИ ИЖАРАГА ТОПШИРМОҚЧИМАН

? Мен (жисмоний шахс) кўп хонадонли уй-жойда нотурар-жой фондига ўтказилган солиқ квартиранинг мулкдори ҳисобланаман, мазкур жойни дўкон учун юридик шахсга 11 ой муддатга ижарага бермоқчиман. Банк менинг шахсий ҳисобварақ очишимни рад этди, буни юридик шахс шартнома бўйича жисмоний шахсга ижара ҳақини ўткази олмайди деб асослади. Мазкур жойни ижарага беришни расмийлаштириш таомили қандай? Мен яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишим керакми?

В.Ерзина.

– Кўчмас мулкни ижарага бериш, сизга тегишли бўлган жой ҳам ана шундай мулк ҳисобланади, ижара (мулк ижара) шартномасини тузиш билан расмийлаштирилади, бундай шартнома, Фуқаролик кодекси 539-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жой жойлашган туман кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома 3-бандининг иккинчи хатбоши). Мол-мулкдан фойдаланганлик (унга эгалик қилганлик) учун тўлов тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари шартнома билан белгиланади.

1996 йил 25 апрелдаги 216-1-сон «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун 4-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошига кўра банклар жисмоний ва юридик шахслар ҳисобварақларини очиш ҳамда уларни юритиш операцияларини, шунингдек уларга доир ҳисоб-китобларни амалга оширадлар. Шахсий ҳисобварақ (талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи) очиш учун жисмоний шахс танланган банкка Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқномага (МВ бошқарувининг АВ томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 5-иловага мувофиқ шаклда ҳисобварақ очишга ариза, шунингдек шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар) тақдим этади. Амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан амал қилиши жисмоний ҳамда юридик шахсларга татбиқ этиладиган Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми (МВ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган), шунингдек Фуқаролик кодексининг 34¹ ва 44²-бобларида нақд пулсиз шаклда жисмоний шахсга ижара тўловларини амалга ошириш бўйича юридик шахслар учун бирор-бир чеклашлар йўқ. Ушбу ҳолатлар боис сиз мурожаат қилган банкнинг шахсий ҳисобварақни очишдан бош тортишини асосиз деб ҳисоблаймиз.

Сизга тегишли бўлган жойни 11 ойга ижарага бериш учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишга зарурат йўқ. Бунинг сабаби шуки, ижарага беришининг ўзи бир галги тусга эгаллиги боис сизнинг фаолият турингиз бўлиб ҳисобланмайди¹. Агар яқка муддати тугаши билан келгусида бундай битимларни мунтазам тузишга қарор қилсангиз, рўйхатдан ўтишга тўғри келади, чунки бу даромад олишга йўналтирилган фаолият (тадбиркорлик фаолияти) тўғрисида гувоҳлик беради.

Хулосада шуни эслатиб ўтамизки, ўз мол-мулкнинг ижарага беришдан оладиган даромадининг жисмоний шахснинг жами йиллик даромадига киради ва унга солиқ солинади. Шу муносабат билан, Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 36-бандига амал қилиб, сиздан жойни ижарага олган юридик шахс сизга ўтказиладиган ижара тўловларидан солиқ суммаларини ушлаши ва давлат бюджетига ўтказиши шарт.


Екатерина БУХТИЯРОВА,
«Норма маслаҳатчи» газетасининг эксперт-юристи.

¹Мулк ижараси.

²Банк ҳисобварағи.

³Солиқ кодексининг меъёрлари мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад ҳар доим ҳам тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад ҳисобланавермаслиги, жисмоний шахсларнинг мулк ижарага беришдан олинган даромадига киритилиши мумкинлиги тўғрисида гувоҳлик беради (СКнинг 48, 50 ва 51-моддалари).

ИШ БЕРУВЧИ ҲИСОБИДАН ЎҚИТИШ



Бундай ёндашув ходимларни баҳолаш учун муҳимдир. «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади». Замонавий бизнесменлар ушбу машҳур иборага «Малакали кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади», дея аниқлик киритган бўлардилар.

Ҳақиқатан ҳам, юқори малакали ходимлар ҳаммага керак. Уларни ўқитиш имконияти ва корхонанинг бу билан боғлиқ харажатлари ҳисобига доир саволлар тахририятимизга келадиган хатларда тез-тез учрайди.

Кўшимча таълим олишни хоҳлайдиган шахсларнинг тоифасига боғлиқ ҳолда ўқитиш ҳақи тўланадиган маблағлар манбалари, унинг миқдорлари ва шартлари, ушбу харажатларни ҳисобга олиш тартиби ҳамда корхона ва ходимлар учун солиқ оқибатлари аниқланади.

Талабаларни ўқитиш ҳақи қандай солиқларга тортилади? Буни ҳисобда қандай акс эттириш керак, қандай ҳисоб-китоб топширилади ва у фақат йиллик ҳисоботда топшириладими?

«Дамира» ХК бухгалтери.

Корхонамиз ходимлар болаларининг олий ўқув юртида ўқишига ҳақ тўлади. Ҳақ олий ўқув юртлари билан тузилган контрактлар асосида тўланадиган. Мазкур харажатларни биз жисмоний шахслар (ота-оналар)нинг билвосита даромади деб ҳисоблаймиз, яъни ушбу суммалар даромад солиғига тортилади ва улардан ШЖБПХга бадаллар ҳисоблаб чиқарилади. Мазкур даромад корхонамизнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда тўланган ҳақ суммасига мажбурий сугурта бадаллари (2,5%) ва ягона ижтимоий тўлов (24%)ни ҳисоблаб ёзиш лозимми?

Бош бухгалтер.

Амалиётда турли вазиятлар учрайди ва шунга боғлиқ ҳолда солиқ оқибатлари турлича бўлади. Куйидаги ҳоллар айниқса кўп учрайди:

1) ходимни корхона ҳисобидан асосий соҳа бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш;

2) ходимни унинг ҳисобидан хўжалик юритувчи субъект соҳасига мувофиқ келмайдиган ихтисослик бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

3) кадрларни корхона ҳисобидан янги ишга тушириладиган объектда ишлаш учун тайёрлаш;

4) ходимни унинг илтимосига кўра ва корхона ҳисобидан маблағларни қайтариш шарти билан ўқитиш;

жисмоний шахсларни (корхонада ишламайдиган) тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш харажатларини иш берувчи ўзининг ташаббусига кўра соф фойда ҳисобидан амалга оширадиган бошқа ҳоллар.

Ушбу ҳолларни **икки гуруҳга (А ва Б)** ажратамиз ва солиқ мажбуриятлари юзага келиши вариантлари бўйича кўриб чиқамиз. «А» гуруҳи – **умумбелгиланган солиқлар тўловчилари.**

Фойда солиғи

Ходимни корхона ҳисобидан асосий соҳа бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлашда ўқитиш билан боғлиқ харажатлар бошқа операцион харажатлар таркибига киритилади (*Харажатлар таркиби тўғрисида низомнинг*¹ 2.3.1-банди) ва солиққа тортилмайди.

Кадрларни хўжалик юритувчи субъектнинг соҳасига мувофиқ келмайдиган касблар бўйича тайёрлашда корхона харажатлари Харажатлар таркиби тўғрисида низомга¹ 1-иловининг 1.22-бандига мувофиқ қайтар ҳисоб билан фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилади ва **солиққа тортилади.**

Ходим корхона ҳисобидан янгидан ишга тушириладиган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун тайёргарликдан ўтаётганида харажатлар Харажатлар таркиби тўғрисида низомга² 2-иловининг 5-бандига кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Бироқ солиқ солиш мақсадига улар фойдада қайтадан ҳисобга олиниши ва солиқ солинадиган база таркибига киритилиши (яъни **дастлаб солиққа тортилади**), кейин эса мазкур харажатларнинг бутун фойдали амал қилиш муддати давомида ёки ушбу муддатларнинг қайси бири қисқа эканлигига боғлиқ ҳолда 10 йил мобайнида (вақтдаги тафовутни ҳисобга олиб, пировард натижада – **солиққа тортилмайди**) чегирлиши керак.

Агар ходимнинг илтимосига кўра, башарти корхона сарфлаган маблағлар қайтарилса, иш берувчи ўқитиш ҳақини тўлашга тайёр бўлса, харажатлар **солиққа тортилмайди. Агар қайтариладиган сумма илгари олинган суммага тенг бўлгандагина**, кредит қайтариладиганида солиқ оқибатлари юз бермайди.

Жисмоний шахсларни ўқитиш ёки қайта тайёрлаш харажатлари корхона томонидан соф фойда ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа ҳолларда солиқ солиш амалга ошириб бўлинган деб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ШЖБПХ)га ажратиладиган бадаллари

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрда 517-сон билан рўйхатдан ўтказилган Корхоналар томонидан талабаларни олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим муассасалари, техникумлар, коллежларда ўқитиш учун ўтказилган маблағларни солиққа тортиш тўғрисида тушунтириш хатига кўра, корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари, шунингдек ўрта махсус таълим муассасалари, техникумлари ва коллежларига муайян ўқув йилига ўқув юрти билан корхона ўртасидаги бевосита шартнома бўйича тўлов-контракт асосида ўқитиш учун ўтказиладиган маблағлар дастлабки тўрт ҳолда **ходим учун даромад деб ҳисобланмайди ва даромад солиғига тортилмайди**, қолган ҳолларда эса жисмоний шахсларни ўқитиш учун тўланган маблағлар ушбу шахсларнинг **даромади** ҳисобланади ва умумбелгиланган тартибда даромад солиғига тортилади.

МВ, ДСҚ, МБ ва МАИМКВнинг 2005 йил 31 январдаги йўриқ-

нома хатига² мувофиқ фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ҳисоблаб чиқариш учун ходимларнинг иш ҳақи (**даромади**) деганда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортиладиган жами даромад тушунилади. Шундан келиб чиқиб, ходимни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш асосий соҳа бўйича ва иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилганда, шунингдек кадрлар корхона ҳисобидан янги ташкил этилаётган хўжалик субъектида ишлаш учун тайёрланаётганида ШЖБПХга бадаллар **ҳисоблаб ёзилмайди**. Кўриладиган бошқа ҳолларда кўрсатилган бадаллар **ҳисоблаб ёзилади**.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарори 2-бандига кўра бюджетга тўланадиган, амалдаги ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириладиган мажбурий ойлик бадаллари суммасига (ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромади) 1 фоизи) камайтирилади.

«Б» гуруҳи – **солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган тўловчилар** ҳолатини таҳлил қиламиз.

Солиқ тўловчиларнинг мазкур гуруҳи учун иш берувчи томонидан ходимларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлашга сарфлаган харажатлар солиқ солинадиган базанинг миқдори таъсир қилмайди ва солиққа тортиш объектини ўзгартирмайди:

– **ягона солиқ тўлови** бўйича ўқитиш ҳақи солиқ солинадиган базавий суммани аниқлаш чоғида чегирмалар таркибига кирмайди;

– **ягона ер солиғи** бўйича объект бўлиб қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ҳисобланади;

– **қатъий белгиланган солиқ бўйича фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар учун** қатъий белгиланган солиққа тортиш объекти бўлиб фаолиятнинг аниқ турини тавсифлайдиган, даромад олиш билан боғлиқ физик кўрсаткичлар ҳисобланади (жиҳозланган жойлар (бирликлар) сони, эгаллаган майдон);

– **юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг даромадида солиқ қатъий белгиланган миқдорларда ундирилади;**

– **жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ШЖБПХ)га ажратиладиган бадаллар «А» гуруҳидагидек тўланади.**

«А» гуруҳи 1-ҳолати учун мисол.
Корхона маъмуриятининг ташаббусига кўра ходим зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажариш учун олий маълумот олади. Ўқиш муддати 4 йилни ташкил этади. Корхона олий ўқув юрти билан шартнома тузади ва биринчи йил учун 504 000 сўм миқдоридан ўқитиш киймати тўлайди.

Ушбу операциони бухгалтерия ҳисобда қандай акс эттириш керак ва у корхона ҳамда ходим учун қандай солиқ оқибатларига эга бўлиши мумкин?

Куйидагилар ходимни ўқитиш харажатларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларига асосли равишда ўтказиш учун хужжатлар бўлиб ҳисобланади:

– ходим билан унинг раҳбари тимсолида корхона ўртасидаги шартнома;

– корхона билан таълим муассасаси ўртасидаги шартнома;

– ходимни курсдан курсга ўтказиш тўғрисида таълим муассасасининг маълумотномаси;

– ўқитишнинг якунланганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар (диплом, сертификатларнинг ксероноусхалари, малака оширилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва бошқалар).

21-сон БҲМСга мувофиқ корхонанинг мазкур ҳисобот даврида қилинган, бироқ бўлгуси ҳисобот давларига тааллуқли бўлган харажатлари 3290-«Бошқа кечиктирилган харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Кўриб чиқилаётган вазиятда ходимни ўқитиш ҳақи бир йил аввал тўланган, шу сабабли у дастлаб 3290-ҳисобвараққа қайд этилиши, йил мобайнида эса харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебетида тенг меъёрларда ҳисобдан чиқарилиши керак.

Кўп корхоналарнинг хўжалик фаолиятида ходимларга хусусан ўқиш ҳақини тўлашга қарзлар берилиши йўлга қўйилган. Қарзлар бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий қоидалар Фуқаролик кодексининг 41-«Қарз ва кредит» бобида акс эттирилган.

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ўзуларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар
		дебет	кредит	
Ходимни ўқитиш учун ўқув юртга ҳақ тўланган	504 000	6990	5110	Ўқув юрти билан шартнома, ҳисоб-китоб варағи бўйича банк кўчирмаси
Ўқитиш ҳақи бўлгуси даврлар харажатлари таркибига киритилган	504 000	3290	6990	Ўқув юрти билан шартнома ва бухгалтерия маълумотнома-ҳисоб-китоби
Ўқитиш ҳақи давр харажатларига ҳисобдан чиқарилган (504 000/12)	42 000	9430	3290	Бухгалтерия маълумотнома-ҳисоб-китоби

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) бошқа тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига худди шунча миқдордаги пул суммасини ёки худди шундай тур ва сифатдаги, олинган қарзга тенг миқдордаги ашёларни (қарз суммасини) бирийўла ёки бўлиб-бўлиб қайтариш мажбуриятини олади. Бунда ФКнинг 734-735-моддаларига кўра пул маблағлари қарз шартномаси бўйича қарз олувчига қарз суммасидан фоизларни тўлаш ёки тўла-маслик шарти билан берилиши мумкин. Қарз суммаси миқдори, уни қайтариш ва ушбу суммадан фоизларни тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида албатта белгиланиши керак.

Қарз олиш ходимнинг корхона раҳбари номига ёзган, қарз сўралаётган сабаблар кўрсатилган илтимоси (аризаси) асосида расмийлаштирилади. Қарз бериш тўғрисидаги қарорни корхона раҳбари мустақил қабул қилади (агар мулкдор томондан тегишли ваколатлар берилган бўлса).

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ходим ёзма шаклда уни қайтариш тўғрисида мажбурият (қарз шартномаси) тузади.

МВ ва ДСҚнинг 1998 йил 24 мартдаги Хатига кўра³ **пул қарзи берилган тақдирда қарз берувчидан ҚҚСга тортиш объекти мавжуд бўлмайди.**

Корхона ходимларига пул шаклида берилган қарзлар бўйича операцион акс эттирилади		
Мазмуни	Дебет	Кредит
Ходимга берилган қарз суммаси акс эттирилади	4720-«Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» 0930-«Ходимларнинг узоқ муддатли қарзи»	5110-«Ҳисоб-китоб варағи»
Қарзни қайтариш (сўндириш) акс эттирилади	5110-«Ҳисоб-китоб варағи» 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар»	4720-«Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи»
Қарз бўйича олиннадиган фонизлар ҳисоблаб ёзилган	4830-«Олиннадиган фонизлар»	9530-«Фонизлар кўринишидаги даромадлар»
Қарз бўйича фонизларнинг келиб тушиши	5110-«Ҳисоб-китоб варағи» 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар»	4830-«Олиннадиган фонизлар»
Ходимлар узоқ муддатли қарзини жорий қисмга ўтказиш акс эттирилади	4720-«Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи»	0930-«Ходимларнинг узоқ муддатли қарзи»

«А» гуруҳи 4-ҳолати учун мисол.

Ходим корхона раҳбариятига 6 ой муддат билан унга фозисиз 500 000 сўм миқдоридан қарз бериш илтимоси билан мурожаат қилди.

ФКнинг 790-моддаси нақд пулсиз ҳамда нақд пул шаклида қарз бериш ҳамда олиш мумкинлигига йўл қўяди. Бухгалтерия проводкалари куйидагича бўлади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ўзуларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар
		дебет	кредит	
Қарз бериш акс эттирилган	500	4720	5110	Қарз шартномаси
Қарзни қайтариш: иш ҳақидан ушлаш	500	6710	4720	Ҳисоблаб ёзиш қайдномаси, бухгалтерия ҳисоб-китоби

Бунда шунингдек тутиш лозимки, МВ ва ДСҚнинг 1998 йил 24 мартдаги Хатига мувофиқ³, фойда солиғи ва ҚҚС тўловчи корхона учун **пул шаклида қарз бериш**, натура шаклидаги қарздан фарқ қилиб, **ҚҚСга тортиш объекти ҳисобланмайди**. Корхона ходими учун қарз суммаси **даромад ҳисобланмайди**, чунки у қайтариш шарти билан берилган, шу боис унинг учун ушбу операция солиқ оқибатларига эга эмас.

Хусниддин ҲОШИМОВ,

«НОРМА МАСЛАХАТЧИ» газетаси эксперти.

Материални тайёрлашда «Амалий бухгалтерия» электрон маълумотнома тизимидан олинган мисоллардан фойдаланилди.

¹Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

²Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадаллар тўлиниши тартиби тўғрисида йўриқномавий хат.

³Қарзларни қўшилган қиймат солиғига тортиш тўғрисида хат.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**
 - «Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР МБ бошқарувининг «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;
 - Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.
- **МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 6 ОКТЯБРДАН 26 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**
 - 2007 йил III чорагида «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ВА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ВА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ УЮШМАСИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 427-модда)

Маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштириш, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси таъсисчиларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбе-

кистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 11 октябрдаги ПФ-3498-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 октябрь
ПФ-3930-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН ПУЛ МУОМАЛАСИГА ДОИР ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
9 октябрда 1518-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 421-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул

муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага (2005 йил 26 октябрь, рўйхат рақами 1518) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 август
22/9-сон.

*2007 йил 19 октябрдан кучга киради.

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50
www.texnika.uz info@texnika.uz

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA BANKLAR TOMONIDAN PUL MUOMALASIGA
DOIR ISHLARNI TASHKIL ETISH TЎFRISIDA GI YЎRIQNO M A GA KIRITILA Ё T G A N
ЎЗГАРТИШЛАР****

1. 19-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«банкларнинг пул муомаласига доир ишларини таҳлил қиладилар ва уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир бажариш шарт бўлган кўрсатмаларни йўналтирадilar».
2. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«45. Юридик шахслар корпоратив банк карталарини ишлатган ҳолда товар учун амалга оширган ҳисоб-китоблари нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тенглаштирилади».

****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKAS I M A R K A Z I Y B A N K I B O Ш Қ A R U B I N I N G
Қ A P O P I**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА
УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎФРИСИДА
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
27 декабрда 1648-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 51-52-сон, 523-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Марказий

банк Бошқарувининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

— «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 7 майдаги 9/7-сонли қарор (1999 йил 20 июль, рўйхат рақами 776);

— «Тижорат банкларида лизинг операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 25 ноябрдаги 26/7-сонли қарор.

**Марказий банк Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 октябрь
25/6-сон.

***2007 йил 6 январдан кучга киради.**

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎФРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банклар томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ҳамда лизинг операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари банклар томонидан микролизинг операцияларини амалга ошириш тартибига ҳам татбиқ қилинади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лизинг (молиявий ижара) — бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объекти-

ни) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури;

микролизинг — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилладиган лизинг;

лизинг объектлари — тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно);

лизинг субъектлари — лизинг берувчи, лизинг олувчи ҳамда сотувчи;

лизинг берувчи — лизинг шартномаси бўйича лизинг

олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи банк;

лизинг олувчи — лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган шахс;

сотувчи — лизинг объектини лизинг берувчига сотадиган шахс;

лизинг шартномаси муддати — лизинг шартномаси бўйича томонлар мажбуриятларининг тўла бажарилгунгача бўлган давр;

лизинг муддатининг бошланиши — лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчининг лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана, яъни лизинг объектини дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси;

лизинг тўловлари — лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларининг лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчи даромади йиғиндиси;

минимал лизинг тўловлари — лизинг олувчи ёки унинг кафолатчиси (кафили) томонидан лизинг шартномасига кўра лизинг берувчига унинг лизинг объектини сотиб олиш ва уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатларини, лизинг даромади (фоизи) қўшилган ҳолда лизинг муддати давомида тўланиши лозим бўлган сумма;

лизинг берувчининг даромади — лизинг тўловлари билан лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, лизинг берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган фоиз даромади;

лизинг объектининг ҳаққоний қиймати — муайян бир санада лизинг объектини сотиб олиш ёки лизинг объектини сотиб олиш бўйича битим тузишни хоҳловчи бир-бирига қарам бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

дисконтлаш — келгусида аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш;

лизинг объектининг хизмат муддати — лизинг объектига қонун ҳужжатлари асосида амортизация ҳисобланадиган давр;

дастлабки билвосита харажатлар — лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар;

дастлабки бевосита харажатлар — лизинг объектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатлар.

2. Банклар фақат лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтишини кўзда тутувчи лизинг операцияларини амалга ошириши мумкин.

Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи банкка лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш, ишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ барча харажатларини ва келишилган фоизлар тўловини амалга ошириши лозим.

3. Лизинг берувчи банк лизинг объектини сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйлади.

4. Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайтаришлик

ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

5. Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Қиморхоналар ва биллиардхоналарни ташкил этишда лизинг объектини қўллаш кўзда тутилган ҳолларда лизинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

6. Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан суғурталанади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

7. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.

8. Банклар қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом асосида лизинг хизматлари кўрсатишнинг ички тартибини ишлаб чиқишлари лозим. Мазкур ички тартибларда қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга зид меъёрларни ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

II. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

9. Лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

лизинг буюртмаси;

лизинг объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;

лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;

охирги ҳисобот санасига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари.

Лизинг берувчи банклар лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олишлари мумкин.

10. Буюртма лизинг берувчи банк томонидан кўриб чиқилаётганда қуйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчи даромадларининг лизинг тўловларини амалга ошириш учун етарлилиги;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;

лизинг берувчи банк олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

11. Лизинг объекти шартномага мувофиқ лизинг берувчи банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ ва бошқа харажатларини қайтариш ҳамда лизинг даромади (фоизи) тўловини амалга ошириш таъминоти вазифасини бажариши мумкин.

Бунда лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг берувчи банк фойдасига йўқолиш ва шикастланиш ҳодисаларидан ихтиёрий суғурта қилиниши ва бу тўғрисида суғурта полисини банкка тақдим этилиши шарт.

Лизинг берувчи лизинг операциясини амалга ошириш натижасида сарфланган маблағларнинг қайтарилиши ва лизинг фоизи тўланишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан бошқа таъминот шаклларини тақдим этишни

талаб қилиши мумкин.

12. Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

13. Лизинг олувчининг буюртмаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, микролизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Лизинг операциясини амалга ошириш асослангандиган ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

14. Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади.

Лизинг объекти ҳисобланган мол-мулк бўйича тузилган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси куйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нарҳда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кундаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

16. Лизинг шартномасида лизинг шартномаси бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиб, лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин.

17. Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт.

18. Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

19. Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади ва лизинг берувчи банк, лизинг олувчи ҳамда сотувчи томонидан имзоланади.

20. Лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчи:

- лизинг тўловини амалга оширишни кечиктириш;
- етказиб берилмаган лизинг объектидан воз кечиш;
- лизинг шартномасининг бекор қилинишини лизинг

берувчидан талаб этиш;

лизинг шартномасини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик натижасида етказилган зарарларни тўлашни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

21. Лизинг берувчи банк ҳар бир лизинг операцияси бўйича лизинг йиғма жилдини шакллантиради.

Лизинг йиғма жилдда куйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- лизинг олувчининг буюртмаси;
- лизинг шартномаси;
- лизинг олувчининг охириги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси;

лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси; лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режасининг самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;

суғурта компаниясининг лизинг объектини суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

лизинг берувчининг лизинг объектини лизинг олувчига етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;

лизинг объектининг олди-сотди шартномаси;

лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;

лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник кафолат;

лизинг операцияси ҳамда таъминоти характеридан келиб чиққан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг шартномаси юзасидан қўшимча келишув тузилган тақдирда, у ҳам лизинг олувчининг лизинг йиғма жилдига тикиб қўйилади.

22. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва бошқа манфатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади.

23. Лизинг олувчи сотувчи томонидан лизинг объектига берилган техник кафолатдан фойдаланади.

Лизинг объектини ўз вақтида етказиб берилиши ва бутланиши ҳамда уни ўрнатишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқини лизинг олувчи ўз зиммасига олиши лизинг шартномасида белгиланиши мумкин.

III. ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ БАНҚДА ЛИЗИНГ ҲИСОБИ

§ 1. Лизингни дастлабки тан олиш

24. Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар ҳисоби 15600 — «Лизинг (молиявий лизинг)» ҳисобварақларида юритилади.

25. Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг берувчи банк лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестицияси қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидан ёки унинг ҳаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса ўша суммада актив сифатида тан олади.

26. Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, куйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Дт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи;

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ);

Кт 19909 Товар моддий қимматликлар учун тўланган

маблағлар.

27. Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи);

Кт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварағи);

Кт 16500 Асосий воситалар (мос ҳисобварақ).

28. Лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

§ 2. Лизингнинг кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш

29. Лизинг берувчи банк томонидан лизинг объекти дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган лизинг бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб лизинг объектини баҳолаб боришни ҳам ўз ичига олади.

30. Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга бериш (олиш) вақтида лизинг берувчининг даромади (лизинг олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

31. Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб, агар уни аниқлашнинг имконияти бўлса, лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, акс ҳолларда, қарз сармояси бўйича ўсиб борувчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

32. Лизинг шартномасида лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг тўловлари жадвали (тартиби)ни келишиб олади. Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчи банкнинг даромади (фоизи)ни тўлаш ҳамда лизинг объекти қийматини қоплаш бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчининг даромади лизинг шартномаси муддати давомида мунтазам равишда даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

33. Лизинг берувчи банкнинг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

34. Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар;

Кт 45100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ).

35. Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ёки мижознинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи (умумий суммага);

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ) (асосий қарз суммасининг қайтарилган суммасига);

Кт 16323 Лизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар (фоизли даромад суммасига).

36. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15600 Лизинг (молиявий ижара) ва 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобварақлари қолдиғи нолга тенг бўлади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган ҳолларда ҳам ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқ нолга тенг бўлади.

37. Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дт 16705 Банкнинг бошқа кўчмас мулклари;

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ).

38. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида»ги низомга (2004 йил 24 январь, рўйхат рақами 1304) асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

39. Лизинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тўғрисида»ги низом (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632) талабларидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

IV. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ БАНҚДА ЛИЗИНГ ҲИСОБИ

§ 1. Лизингни дастлабки тан олиш

40. Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 — Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 — Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

41. Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса ўша суммада акс эттиради.

42. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дт 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварағи.

43. Лизинг олувчи банк томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг объекти лизинг олувчи банк балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим. Лизинг бўйича мажбуриятни актив суммасидан чегириб ташлаган ҳолда (контр-актив ҳисобварақ сифатида) кўрсатишга рухсат этилмайди.

§ 2. Лизинг олувчи банкда лизингнинг кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш

44. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олинганидан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи банк томонидан лизинг объектини баҳолаб бориш,

амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

45. Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи банкнинг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

46. Лизинг шартномасида лизинг олувчи банк ва лизинг берувчи лизинг тўловлари жадвалини келишиб олади, унда лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари, лизинг объектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

47. Лизинг тўловлари жадвалида лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

48. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 54198 Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар
ёки

Дт 54199 Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;

Кт 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

49. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар;

Дт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи.

50. Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома» (2004 йил 17 декабрь, рўйхат рақами 1434) талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56626 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси;

Кт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив).

51. Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи банкнинг лизинг объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

52. Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

53. Лизинг олувчи банк томонидан охириги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг объектининг лизинг олувчи банкка ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварақ);

Дт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси

(контр-актив);

Кт 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт 165xx Йиғилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварақ).

54. Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нарҳда сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи;

22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи ёпилганидан сўнг, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади ва бунда 36-бандда кўрсатилган бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

55. Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи.

56. Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқлаганида, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисобварақ бўйича резерв капитални камайтиради.

V. ЛИЗИНГ БҲЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ

57. Лизинг олувчи банк лизинг бўйича қуйидаги маълумотларни ошкор этади:

1) ҳисобот санасига лизингга берилган активларнинг ҳар бир синфи бўйича соф баланс қиймати;

2) ҳисобот санасига жами келгуси минимал лизинг тўловлари билан уларнинг жорий дисконт қиймати таққосламаси;

3) қуйидаги даврларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот санасига жами келгуси минимал лизинг тўловлари билан уларнинг жорий дисконт қиймати тўғрисидаги маълумотлар:

а) бир йилгача бўлган муддат;

б) бир йилдан ортиқ, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддат;

в) беш йилдан ортиқ бўлган муддат;

4) лизинг олувчининг муҳим лизинг шартномаларининг қуйидагиларни ўз ичига олган, лекин булар билан чегараланмаган ҳолда умумий тавсифи:

а) шартномага киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг мавжудлиги ва шартнома шартларининг ўзгартирилиши ва янги киритилган шартларнинг хариднинг қулайлигига таъсири имкониятлари;

б) лизинг шартномаси шартларига асосан қўшимча қарздорлик ва келгуси лизинг битимида шартланган чеклашлар.

58. Лизинг берувчи банк қуйидаги маълумотларни ошкор этади:

1) ҳисобот санасига лизингга қилинган ялпи лизинг инвестицияси билан ҳисобот санасига олинishi керак бўлган бўлгуси минимал лизинг тўловларининг жорий дисконт қиймати билан таққосланмаси;

2) қуйидаги даврларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот санасига лизингга қилинган ялпи лизинг инвестицияси ва олинishi керак бўлган келгуси минимал лизинг тўловларининг жорий дисконт қиймати тўғрисидаги маълумотлар:

бир йилгача бўлган муддат;
бир йилдан ортиқ, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддат;

беш йилдан ортиқ бўлган муддат;

3) олинмаган молиявий даромад;

4) олинishi лозим бўлган минимал лизинг тўловлари бўйича шаклланган умидсиз қарздорлик бўйича йиғилган захира;

5) лизинг берувчи банк томонидан имзоланган муҳим лизинг шартномаларининг умумий тавсифи;

6) давр мобайнида лизинг шартномалари бўйича тегишли маблағларнинг ялпи инвестициядан чегирган ҳолдаги маълумотлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ВА СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)
БЎЙИЧА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
30 октябрда 1238-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 449-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43, 2003-37-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 131-модда, 40-сон, 442-модда; 2005 йил, 15-16-сон, 125-модда, 40-сон, 312-модда; 2006 йил, 20-21-сон, 182-модда; 2007 йил, 7-8-сон, 75-модда) 25-банди қуйидаги мазмундаги 37-кичик банд билан тўлдирилсин:

«37) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизими техник воситаларнинг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

*2007 йил 9 ноябрдан кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
96-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2007-60-сон

Тошкент ш., 2007 йил 22 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ЮКЛАРНИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНАЎТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИГА ВА ЮКЛАРНИ
АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЎТГАН ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 октябрда 1626-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 433-модда)

Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тартибини такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга» (2006 йил 5 октябрь, рўйхат рақами 1626) иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи
А.АБДУВАЛИЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 12 октябрь
126-сон.

*2007 йил 30 октябрдан кучга киради.

**ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ЮКЛАРНИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН
ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИГА ВА ЮКЛАРНИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ
БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР****

1. 8-банддаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин. ўрта махсус таълим вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини
2. 9-банд чиқариб ташлансин. ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишил-
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Р.ҚОСИМОВ.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазири в.б.
А.ХАЙТОВ.

Тошкент ш., 2007 йил 12 октябрь.

****Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ
УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2007 ЙИЛ 6 ОКТАБРДАН 26 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари»ни тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР АҚ-91)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сонли буйруғи.

2007 йил 29 сентябрда 1723-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 октябрдан кучга кирди).

2. «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 августдаги 22/9-сонли қарори.

2007 йил 9 октябрда 1518-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 октябрдан кучга кирди).

3. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сонли қарори.

2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 октябрдан кучга кирди).

4. «Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сонли буйруғи.

2007 йил 10 октябрда 1725-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 октябрдан кучга кирди).

5. «Метрология хизматларини тиббий ускуналар ва аппаратураларнинг метрологик нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш ҳуқуқини аккредитациядан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2007 йил 14 августдаги 367-сонли буйруғи.

2007 йил 10 октябрда 1726-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 октябрдан кучга кирди).

6. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сонли қарори.

2007 йил 12 октябрда 1727-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 октябрдан кучга кирди).

7. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сонли қарори.

2007 йил 12 октябрда 1728-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 октябрдан кучга кирди).

8. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 126-сонли буйруғи.

2007 йил 20 октябрда 1626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга кирди).

9. «Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 83, 28, 2007-51-сонли қарори.

2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга кирди).

10. «Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2007 йил 25 сентябрдаги 422-сонли буйруғи.

2007 йил 20 октябрда 1730-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга кирди).

11. «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 17 сентябрдаги 144-сонли буйруғи.

2007 йил 20 октябрда 1731-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга кирди).

12. «Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 12 октябрдаги 92, 01/23-1060, 25/6-сонли қарори.

2007 йил 20 октябрда 145-1-сон билан рўйхат-

дан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга кирди).

13. «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сонли қарори.

2007 йил 22 октябрда 1732-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 ноябрдан кучга кирди).

14. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидаларини (ЎЗР АҚ-95) тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи.

2007 йил 26 октябрда 1733-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 ноябрдан кучга кирди).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 145, 26.05.1995 й.).

Адлия вазирининг 2007 йил 20 октябрдаги 204-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Бурғ қудуқларини таъминлаш учун кўчма қурилмалар ҳолатини техник диагностика қилиш бўйича йўриқнома». Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

КУЧНИ ИЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ ВА ИЖРОДАН ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2000 йил 18 октябрдаги 170-сонли ва 2007 йил 21 августдаги 129-сонли буйруқлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2000 йил 9 июндаги 96-сонли буйруғи.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

2007 йил III чорагида "СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ" ВА "НОРМА МАСЛАХАТЧИ" ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

<i>Меърий-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ		
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-П-сонли қарорининг I-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 17 июль, ЎРҚ-102-сон	29-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида	2007 йил 12 июль, ЎРҚ-101-сон	31-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-П-сонли қарорининг I-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 17 июль, ЎРҚ-102-сон	31-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2007 йил 23 июль, ЎРҚ-104-сон	31-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида	2007 йил 23 июль, ЎРҚ-105-сон	32-сон "Норма маслаҳатчи"
"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 1 август, ЎРҚ-106-сон	33-сон "Норма маслаҳатчи"
"Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида	2007 йил 5 сентябрь, ЎРҚ-107-сон	37-сон "Норма маслаҳатчи"
"Сугурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-108-сон	38-сон "Норма маслаҳатчи"
Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2007 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-109-сон	38-сон "Норма маслаҳатчи"
"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 17 сентябрь, ЎРҚ-110-сон	38-сон "Норма маслаҳатчи"
"Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 19 сентябрь, ЎРҚ-111-сон	39-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2007 йил 19 сентябрь, ЎРҚ-112-сон	39-сон "Норма маслаҳатчи"
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ		
2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида	2007 йил 10 июль, ПФ-3889-сон	28-сон "СБХ"
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармонида ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2007 йил 19 июнь ПФ-3886-сон	28-сон "Норма маслаҳатчи"
Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2007 йил 19 июнь, ПҚ-655-сон	29-сон "Норма маслаҳатчи"
Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2007 йил 12 июль, ПҚ-670-сон	29-сон "Норма маслаҳатчи"
"2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"	2007 йил 20 июль, ПҚ-672-сон	30-сон "Норма маслаҳатчи"
Республика бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини мақбуллаштириш тўғрисида	2007 йил 26 июнь, ПҚ-660-сон	31-сон "Норма маслаҳатчи"
Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2007 йил 20 июль, ПФ-3897-сон	32-сон "Норма маслаҳатчи"
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари, ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида (кўчирма)	2007 йил 28 август	35-сон "СБХ"
Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида	2007 йил 17 сентябрь, ПФ-3921-сон	38-сон "СБХ"
Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида	2007 йил 5 сентябрь, ПҚ-691-сон	38-сон "Норма маслаҳатчи"
Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида	2007 йил 19 сентябрь, ПФ-3923-сон	38-сон "Норма маслаҳатчи"
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ		
Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2007 йил 25 август	35-сон "Норма маслаҳатчи"
